



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2011-yil, 16-avgust. Seshanba 96 (31.372) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!



2011 йилнинг биринчи ярми якуналари бўйича «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан умумий қиймати 9,6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Турар жой қурилишини ривожлантириш мақсадида шу йилнинг биринчи ярмида барча манбалар ҳисобидан 4823,9 минг квадрат метр, шу жумладан, қишлоқ жойларда 3723 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди.



Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга ташрифига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифига биноан Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак 2011 йил 23-24 август кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

«Жаҳон» АА

ЎзХДП Жамоатчилик қабулхонасида



Аҳоли мурожаатларини ҳал қилиш

ва муаммоларга ечим топиш учун партия ташкилотлари фаолияти кучайиши зарур

Кишилар мушкулини осон қилиш, кимгадир ёрдам қилини чўзиб, елкадош бўлиш эзгу амаллардан бири. Маълумки, маҳаллий партия ташкилотлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналари ана шу мақсадда ташкил қилинган. Ҳеч ким бу ерга ўз-ўзича келмайди, ҳар бир мурожаат ортида кишини ўйлантираётган муаммо бўлади. Шунинг учун мурожаат эътиборсиз қолмаслиги ва изсиз кетмаслиги керак.

Яккасарой туман партия кенгашига кириб борганимизда қабулхонага уч нафар фуқаро ўз муаммоларига ечим истаб келишган экан...

— Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидирув институтида ишлайман, — дейди Юрий Педдер.

Туман партия кенгаши раиси муаммони атрафлича ўрганган, адвокат Равшан Тошпўлатовга мурожаат қилди. Юрий Педдерга ҳамкорликда ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Ўтган йили Жамоатчилик қабулхонасига 59 та мурожаат тушган бўлса, шунинг 56 таси ечим топган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида оғзаки ва ёзма мурожаатлар 28 тани ташкил қилди. Уларнинг 9 таси бевосита партия ташкилоти ёрдами билан ечим топди.

Қолган мурожаатларни ижобий ҳал қилиш бўйича халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига партия-миздан сайланган депутатлар, тегишли корхона-ташкilotлар ҳамкорлигида иш олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Эътироф

Ўзбекистоннинг кўплаб шаҳарлари ўзининг ислом маданияти ва цивилизацияси билан боғлиқ обидалари билан катта шўҳрат қозongan. Бу замин дунёга Имом Бухорий, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний каби жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккирларни берган.

Самарқандда 2009 йили ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида меҳмон сифатида иштирок этгандим. Ушанда тилларда дoston қадимий Самарқанднинг гўзал ва бетакорор гўшаларини томоша қилиб, ҳайратга тушганимнинг рости. Ҳар гал Самарқандга келганимда бетакорор тарихий обидалар ва муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиб, руҳим янада покланади. «Ер юзининг сайқали» номи билан машҳур қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқанд азалдан Шарқнинг энг ёрқин илму маърифат марказларидан бири бўлган. Бу ердаги мадрасаларда дунёнинг турли бурчакларидан келган толиби илмлар таҳсил олган. Инсоният бунёдкорлиги, ақлу заковати, тафаккури тимсолига айланган бу муқаддас шаҳар истиқлол йилларида нақадор гўзал замонавий кифё касб этганини ҳам алоҳида таъкидлагим келади».

Холид ШАРКАВИЙ, (Кувайт).



Мамлакатимиз давлат мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида ЎзА муҳбири Бирлашган Араб Амирликларининг мамлакатимиздаги Муваққат ишлар вакили Файсал Хареб ИЙСА билан суҳбатлашди.

Файсал Хареб ИЙСА: Ўзбекистон бой маданияти билан дунёга машҳур

— Суҳбатимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма йиллиги арафасида ўтмоқда. Мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган ислохотлар бераётган самаралар ҳақида фикрларингизни билмоқчи эдик.

— Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатингизда иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бoshқа кўплаб соҳаларда жуда катта ютуқлар кўлга киритилди. Масалан, иқтисодий соҳада Ўзбекистонда йигирма йил мобайнида ишлаб чиқариш кўрсаткичи бир неча баробар ошганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу кўрсаткич сўнгги уч йил ичида бутун дунёни қамраб олган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай 8 фоиздан ошаётгани ҳам ушбу фикримиз далилидир. Бу Президентингиз раҳнамолигида Ўзбекистоннинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борисида олиб борилган оқилона иқтисодий сиёсат самараларидандир.

Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятда ўзининг муносиб ўрнига эга эканини алоҳида қайд этиш жоиз. Мамлакатингиз Марказий Осиё минтақасидаги энг муҳим давлатлардан бири ҳисобланади. Юртингизда ижтимоий ва сиёсий ислохотлар собитқадамлик билан олиб борилаётган. Хусусан, Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги маърузасида илгари сурилган барча тақдирлар мамлакатингизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамиятни янада ривожлантиришга қаратилган. Улар ўзининг юксак самараларини бериши шубҳасиз.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг қандай баҳолайсиз? Ўзаро муносабатларимизнинг истиқболли ҳақида нима дея оласиз?

— Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтиришга алоҳида эътибор билан қарайди. Айтиш жоизки, Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган. 1992 йил ноябрь ойида Дубай Амирлигида Ўзбекистон Республикасининг Бош консуллиги очилди. Бу Ўзбекистоннинг Форс кўрфазининг дипломатик миссияси ва МДХ давлатларининг Бирлашган Араб Амирликларидаги биринчи консуллиги ҳисобланади. Ўзбекистонда БАА Бош консуллиги 2006 йил 16 январда ташкил этилган. Икки мамлакат ўртасидаги алоқалар ривожининг самарасида Ўзбекистон 2007 йили Абу Дабиде шаҳрида ўз элчихонасини очди.

(Давоми 2-бетда.)

Мустақиллик фарзандлари

Жанубий Кореянинг Инчхон шаҳрида ўтган бокс бўйича Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари бир олтин ва уч бронза медални кўлга киритганди.



Осиё чемпионатидан тўрт медал

Осиё чемпионатидан ёруғ юз билан қайтган боксчиларимизни Тошкент халқаро аэропортида тегишли вазирилик ва идоралар вакиллари, спорт жамоатчилиги, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва мухлислар қутиб олди.

Йигирма олтинчи маротаба ташкил этилган қитъа чемпио-

натида 22 мамлакатдан 150 нафардан ортиқ чарм кўлқоп устаси совринли ўринлар учун куч синашди. Унда мамлакатимиз шарафини асосан ёш боксчилар ҳимоя қилганига қарамай, терма жамоамиз энг кучлилар қаторидан жой олди.

— Нуфузли чемпионатда куч ва маҳорат, истеъдод ва салоҳият

бобида Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлаганимиздан бахтиёрман, — дейди Осиё чемпиони Шўҳрат Абдуллаев. — Эришган галабамизни Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаймиз.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ, Байрам АЙТМУРОДОВ, ЎзА мухбирлари.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

КОНЦЕПЦИЯ:

Жамоатчилик назорати

таъсирчанлиги кучайишида оммавий ахборот воситалари мавқеини мустаҳкамлаш — долзарб масала

⇒ 2

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2011 YIL 16 AVGUSTDAN BOшлаб ХОРИЖИY ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1801,83	1 Миср фунти	290,57	1 СДР	2771,46	10 Жанубий Корея вони	16,05
1 Англия фунт стерлинги	2819,52	1 Канада доллари	1753,28	1 Туркия лираси	974,59	10 Япония иенаси	225,44
1 БАА дирҳами	471,39	1 Хитой юани	270,88	1 Швейцария франки	2195,21	1 Россия рубли	58,80
1 АҚШ доллари	1731,36	1 Малайзия ринггити	580,60	1 Евро	2470,68	1 Украина гривнаси	217,21

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъжур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмган.



Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

КОНЦЕПЦИЯ: Жамоатчилик назорати

таъсирчанлиги кучайишида оммавий ахборот воситалари мавқеини мустақамлаш — долзарб масала

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотларнинг ҳозирги босқичида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида уларнинг эркин ва самарали фаолият юритишини таъминлаш, бунинг учун ҳуқуқий шарт-шароит яратиш гоётада муҳим.


«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да оммавий ахборот воситалари фаолиятга бозор механизми кенг жорий қилиш, жамоатчилик назоратини таъминлашда уларнинг ҳуқуқий мақомини мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, давлат хокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ошқоралигини таъминлаш, бу борада ОАВ мавқеини ошириш учун тегишли ҳуқуқий механизм яратиш зарурлиги қайд этилган.

Бунда «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида» қонун қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Мазкур қонун давлат хокимияти ва бошқаруви органларининг қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаши устидан фуқаролик жамияти институтлари назоратини амалга ошириш бўйича ҳуқуқий тизим яратишга хизмат қилади.

Маълумки, фуқаролик жамияти институтларининг мавқеи охири бораги сари жамоатчилик назоратини кучайтириш имкони кенгайди. Муайян қатламлар манфаатларини ифода этувчи нодавлат нотихорат ташкилотлар жамиятда ижтимоий шериклик, яъни ўзаро

манфаатли ҳамкорликни кучайтиради. Бу жараёнда ўз-ўзидан давлат хокимияти ва бошқаруви органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш, хусусан, оммавий ахборот воситалари фаолиятга давлат хокимияти ва маъмурий тузилмалар томонидан бўладиган турли босимларнинг олдини олиш бўйича ҳуқуқий асосни мустақамлаш — долзарб масала.

Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун лойиҳасида мазкур назоратнинг турлари, шакллари, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари билан бирга, амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларни ижро этмаганлик, ўз фаолиятга доир вазифаларни бажармаганлик учун мансабдор шахслар жавобгарлигини кучайтириш бўйича тегишли меъёрлар белгиланиши мақсадга мувофиқдир.



Бу — давлат хокимияти ва бошқаруви органлари билан жамоатчилик ўртасида мустақам алоқа ўрнатишда оммавий ахборот воситаларининг устувор вазифаларини аниқ белгиланишига хизмат қилади. Шу ўринда таъкидлаш зарур, халқаро тажрибада давлат хокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатишнинг қатор шакллари мавжуд. Аммо уларнинг самарали бўлишида оммавий ахборот воситалари алоҳида ва муҳим ўрин тутди. Концепцияда илгари сурилган ташаббуслар жамоатчилик назорати қўлими ва таъсирчанлигини оширишда оммавий ахборот воситалари фаолиятини янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Бу ўринда асосий эътибор жамият ҳаёти-

нинг турли йўналишларида қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, истиқболли дастурлар ва лойиҳаларнинг амалга оширилиши, жамоатчиликни давлат хокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида тез, ҳолис ва атрафлиха хабардор қилиш, фуқароларнинг давлат ва жамият қурилиши жараёнида фаол иштирокини таъминлашга қаратилмоғи лозим.

Жойларда юзага келган масалаларга кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш, муаммолар ечимини бўйича амалий тақлифлар қўлайишига шароит яратади. Муайян муаммо кенг омма эътиборига ҳавола қилиниши, уни кўпчилик билиши ва ўрганиши фикрлар хилма-хиллигини кучайтиради. Натижада маълум масалани ҳал қилиш учун фойдали тақлифлар айтилади, пировардида, энг мақбул йўл танланади. Шу тариқа жамият миқёсида фикрлаш, шунга яраша фаоллик кўрсатиш кўникмаси шаклланади. Бу жараёнда оммавий ахборот воситалари самарали ишлаши, ҳаётга етарли даражада кириб бориши муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Маълумки, тегишли қонунлар ва меъёрий ҳужжатларда давлат бошқаруви органлари зиммасига аниқ вазифалар юкланган. Уларнинг ижроси муайян тартибда давлат томонидан назорат қилинади. Бу борада жамоатчилик назоратининг кучайиши эса давлат хокимияти органларининг бир-бирига му-

вофиқ ҳолда, янада самарали ишлашига замин яратади.

Шу ўринда яна бир масалага тўхталиб ўтиш жоиз. Ҳар йили ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича маҳаллий дастурлар тасдиқланади. Шу асосда жойларда йил давомида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар белгиланади. Улар бекаму қўст бажарилишидан одамлар, энг аввало, жамият манфаатдор. Аммо, афсуски, бундай дастурлар ижроси ҳамма жойда ҳар доим тўлиқ бажарилади, деб бўлмади. Бу ўринда жамоатчилик назорати кучайиши, аҳолининг ижтимоий-сиёсий билими ва фаоллиги ошишида оммавий ахборот воситалари демократик меъёрлар асосида эркин фаолият кўрсатиши долзарб аҳамиятга эга.

Шу боис, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизми муқаммал бўлиши, унда назорат ўрнатиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган ҳар бир муносабат ва ҳуқуқий ҳолатлар ҳисобга олиниши ва барча меъёрлар белгилаб қўйилиши керак.

Маълумки, жамоатчилик назорати институтининг такомиллаштириш жойларда ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ масалалар аҳоли фаоллиги ва ташаббуси орқали ечим топиши учун қонуний шароит яратиш беради. Бу эса партияимиз дастурий мақсадларига тўла мувофиқдир.

Муҳаммаджон ЙЎЛДОШЕВ,
Андижон вилоят партия кенгаши раиси,
халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.

Сўз — маҳаллий Кенгаш депутатларига!

Ислохотларнинг ҳудудлардаги самараси

депутатлар, партия фаоллари ва аҳоли ҳамкорлигига боғлиқ

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича муҳим чора-тадбирлар белгиланиши, айни пайтда, уларнинг самарали ижросида маҳаллий партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаол иштирок этиши зарур. Маҳаллий партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг амалий ишлари қўлайиши учун нималарга эътибор қаратиш керак? Мухбиримиз Данғара туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзоси Азимжон СУЛАЙМОНОВ билан шу ҳақда суҳбат қилди.

— **«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»** гоёларини амалга ошириш бўйича 2011-2014 йилларга мўлжалланган партияимиз **Ҳаракат дастурига кўра, Данғара туманида касб-хунар коллежлари битирувчиларини мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштиришда муайян вазифалар белгиланган.**

Хўш, туман партия кенгаши, шунингдек, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи бу борада қандай ишлар қилди?

— Туманимизда ишлаб чиқариш

корхоналари кам. Шу боис кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектларини кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринлари очилди, шу орқали ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Биз коллеж битирувчиларини ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни кўрдик. Дастлаб масалани туман партия кенгашида атрафлиха муҳокама қилдик. Депутат ва мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Худуддаги ҳар бир корхона-ташкilot ва хўжалик юритувчи субъектлари фаолияти ўрганиб чиқилди. Ишчи гуруҳи ҳар бир битирувчи қаерга ишга кириши мумкинлиги ҳақида тақлиф ва тавсия ишлаб чиқди. Шу тариқа ак-

сарият ёшлар билан уч томонлама шартнома имзоланди. Бунинг ижросини таъминлаш навбатдаги вазифа эди, албатта. Биз таҳлилларни умумлаштириб, туман Кенгаши сессиясига масала киритдик. Сессияда қизгин муҳокама бўлгач, тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Қабул қилинган қарор ижроси бўйича депутатлик назоратини кучайтирдик. Энг муҳими, бизни жамоатчилик қўллаб-қувватлади. Ҳозир туманимиздаги касб-хунар коллежлари битирувчилари шартнома асосида тўлиқ ишга жойлашди. Эндиликда уларнинг иш шартини ўрганиб, меҳнатга оид қонунчилик талаблари ижроси бўйича назорат-таҳлил олиб бораёмиз.

— **Тан олиш керак, айрим маҳаллий партия ташкилотлари аҳоли орасига кириб бора олмапти. Партия ташкилоти фаолияти кучайиши, аввало, бошланғич ташкилотларда иш тўғри ташкил қилинишига боғлиқ. Бу ишда партиянинг худудий ташкилоти бош-қош бўлиши, партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимининг мустақамлашга ҳаракат қилиши керак. Туман партия кенгаши бу**

борада нима ишлар қилапти? — Ҳар бир партия аъзосининг ижтимоий-иқтисодий билими мустақам бўлиши зарур. Электорат вакиллари билан ишлаш бўйича махсус режамиз бор. Мутахассис ва депутатлардан иборат фаол гуруҳ тузилган. Ундаги аъзолар бошланғич ташкилотларга бириктирилди. Мамлакат иқтисодиёти, сиёсий ҳаёти билан боғлиқ муҳим ўзгариш ва янгилликлар ҳақида бошланғич ташкилот йўналишларида атрафлиха тушунча берилди. Бундай ўқув-семинарларга партиядошларимиз билан бирга, ҳамкор ташкилот вакиллари ҳам жалб этиляпти.

Ҳуқуқий-маърифий семинарларнинг таъсирчанлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Қувонарлиси, Найманча, Оқжар, Галаба ва Мулкобод каби қишлоқ фуқаролари йиғинлари ҳудудларида уюштирилган давра суҳбатларида аҳоли вакиллари фаол иштирок этди. Бу эса партияимиз хайрихоҳлари сафи кенгаётганидан, энг муҳими, аҳоли фаоллиги ошаётганидан далолат беради.

Сўзбанди:
Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

— Мен тиббиёт коллежини таъминлашга, ишга жойлаштиришда кийинчиликка дуч келдим, — дейди Мадина Арипова. — Вақтинча ишсиз ёшларга ёрдам берилишини эшитганимдан сўнг Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилдим. Партия фаоллари мени қўллаб-қувватлашди. Уларнинг ёрдами билан пойтахтимиздаги 44-оилавий поликлиникага ишга жойлашдим. Ҳаётда ўз ўрнини топишда кўмак бергани учун Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафига киришга қарор қилдим. Ҳозир «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзосиман. Туман партия кенгашига тез-тез келиб тураман. Қанот аъзоси сифатида партия дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этаёман.

Навбахор Холбекова «Баҳор текстил» МЧЖда ишлайди. Шу йилнинг март ойида у оиллик машиини ололмаётгани сабабли Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилди. Масала атрафлиха ўрганиб чиқилди. Иш берувчи қонуний масъулиятини бажармаётгани аниқланди. Қабулхона саъй-ҳаракати билан тўмонликни қўллаб-қувватлаш, бандликни таъминлаш борасидаги амалий ишларимизни янада кучайтириш бўйича ўз режамизни ишлаб чиқаямиз.

Гурпур ОДАШБЕКОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Файсал Хареб ИЙСА:

Ўзбекистон бой маданияти билан дунёга машхур

Ўтган давр ичида икки давлат раҳбарлари ва ҳукумат аъзоларининг ўзаро ташрифлари мунтазамлик касб этгани диққатга sazovor. Хусусан, 2008 йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Бирлашган Араб Амирликларига, шунингдек, БАА вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактумнинг 2007 йил октябрь ойида Ўзбекистонга расмий ташрифлари ўзаро муносабатларимизни янги босқичга олиб чиқди. Бу учрашувлар мамлакатларимиз ўртасида турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликнинг янада тараққий этишига замин яратди.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик деярли барча йўналишларда изчил ривожланмоқда. Ўзбекистонда Бирлашган Араб Амирликлари сармосия ишлатиришда тузилган 81 қўшма корхона фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон билан БАА ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш учун улкан имкониятлар мавжуд. Юртингизда хоризий сармосиядорлар билан ҳамкорлик учун яратилган қўлай муҳит ишбилармонларимизнинг мамлакатингизга қизиқишини тобора оширмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида турли даражадаги делегациялар учрашувларининг йўлга қўйилгани ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик ришталарининг янада мустақамлашишига хизмат қилиши шубҳасиз.

— **Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ҳақида фикрингиз?**

— Ўзбекистон ўзининг бой маданияти билан дунёга машхур. Президент Ислам Каримов ташаббуси билан 1997 йилдан бунён «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг қадимий ва

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақамлигининг 20 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқини чин дилдан қўлайман ва энг эзгу тилакларини изхор этаман. Мамлакатингизга муттасил тараққиёт ва фаровонлик, халқингизга янада улкан муваффақиятлар ва зафарлар тилайман.

ЎЗА МУХБИРИ
НОДИРА МАНЗУРОВА
суҳбатлашди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Аҳоли мурожаатларини ҳал қилиш

ва муаммоларга ечим топиш учун партия ташкилотлари фаолияти кучайиши зарур

бундай амалий ишлар, ечим топаётган масалалар оз эмас. Биров соғлигини тиклашда, кимдир иш топишда, яна кимдир таълим шартномасини тўлашда ёрдам сўраб келади. Бир қарашда бу масалалар арзимасдек туюлади. Аммо ана шу кичик муаммоларнинг ҳал этилиши мурожаат қилганларнинг оғири енгил бўлишига, кўнгил осойиши таъминланишига, энг муҳими, оз бўлса-да, жамият тўқислигига хизмат қилади.

— Президентимиз илгари сурган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси гоёларини амалга ошириш жараёнида иштирок этиш учун фаолиятимизни кескин кучайтиришимиз керак, — дейди туман партия кенгаши раиси Нурмуҳаммад Қаршиев. — Ижтимоий ҳаётга, жамоатчилик қўлига чуқур кириб бора олмаёмиз. Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, туманимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бандликни таъминлаш борасидаги амалий ишларимизни янада кучайтириш бўйича ўз режамизни ишлаб чиқаямиз.

Гурпур ОДАШБЕКОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қарор ва ижро

Она ва бола саломатлиги — доимий эътиборда

Истиқлол йиллари Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш соҳасини ислох қилиш, аҳоли саломатлигини мустақамлаш борасида кенг қўлмали ишлар амалга оширилди. Аҳолига ҳар томонлама малакали тиббий хизмат кўрсатишнинг мустақам ҳуқуқий базаси яратилди. Халқимизга жаҳон андозалари даражасида тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди, аҳолининг тиббий маданияти юксалди.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 1 июлда қабул қилинган «2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучай-

тириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»-ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Хоразм вилоятининг Кўшкўпир туманида ҳам ушбу ҳужжат ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Аҳоли, оналар ва болалар, ҳомилалар аёллар саломатлигини мустақамлашга доимий эътибор қаратилмоқда. — Туманимиз аҳолисида 21 қишлоқ врачлик пункти хизмат кўрсатади, — дейди мазкур туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Шавкат Оллабергенов. — Шифо масканларимиз «Саломатлик — 1», «Саломатлик — 2» дастурлари доирасида барча зарур тиббий жиҳоз ва ускуналар билан таъминланди.

Туман тиббиёт муассасаларининг бирламчи бўғини масканларида фаолият юритаётган шифокорлар «Соғлом она — соғлом бола» концепцияси мазмун-моҳиятини аҳолининг

кенг қатламларига тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Улар иштирокида ўтаётган турли семинар ва давра суҳбатларида қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтишни фойдали жиҳатлари тўғрисида атрафлиха тушунча берилмоқда. Айни пайтда туман қишлоқларида оилаларнинг бузилиши, бунинг ижтимоий-маънавий муҳитга таъсири, қизларнинг эрта турмуш қуриши ва унинг салбий оқибатлари, оналар ва болалар ўлими сингари нохуш ҳолатларга барҳам бериш борасида аҳоли ўртасида амалга оширилаёт-

ган тушунтириш ишлари янада кучайтирилмоқда. Фуқаролар йиғинларида ҳар ойда қишлоқ врачлик пунктлари мудириларнинг ҳисоботи тингилган, уларнинг фаолияти атрафлиха муҳокама қилинмоқда. Намунали деб топилинган Оқдарбанд, Ших, Ҳозовот, Хадра қишлоқ врачлик пунктлари ходимларининг иш тажрибаси оммалаштирилди. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга масъул соҳа ходимлари кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда фаол иш олиб бормоқда. Зеро, она ва бола саломатлиги — эл-юрт бойлиғидир.

Ш.ХУДОБЕРГАНОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

Истиқлол имкониятлари

Ўзбекистонда ўрта синфга мансуб аҳоли

уйни пишиқ гишдан кўтареди, иккинчи машинани сотиб олишни, фарзандларини олий маълумотли қилишни режалаштиради

■ Авиасозлар бозориди реза мева билан савдо қилувчи Гулнора исмли аёлнинг аҳоли турмуш даражасини ўлчашда ўз «мезон»лари бор.

— Эрта баҳордан бошлаб қулупнай, ундан сўнг малина, изма-из смородина ва маймунжон билан савдо қиламан, — дейди у. — Бу мевалар «маҳаллий» мевалардан беш-олти баробар қиммат бўлишига қарамадан унинг харидорлари йил сайин осяпти. Мураббо мавсуми ҳозир, навбатни қаранг, қўлимиз қўлимизга тегмайди, — у харидор узатган тоғорани маймунжонга тўлдириб тарозида тортаркан, мен билан суҳбатга ҳам вақт топади.

Бозордагилар аҳоли турмуш даражасини савдоларига қараб ўлчашлари бор гап. Тўғриси айтиш, ўзингиз ҳам тўй-томшаларда дастурхонни кузатиб ёки маҳаллангиздаги хонадонлардаги машиналарни санаб, элнинг ҳаёти ҳақида хулоса чиқарасиз.

Аҳолининг ўрта синфга мансуб вакилларининг ўзи ҳаётини қандай баҳолайди, қандай орзу режалар билан яшайпти — биз ҳам уларнинг турмушига журналист назари билан боқишга қарор қилдик.



Файзуллаевлар оиласи бугунги тинч, фаровон ҳаётдан рози. Муродебек ЗИЁ олган сурат.

ЎЗБЕКНИНГ ПУЛИ КЎПАЙСА УЙ ҚУРАДИ

Олмазор туман «Гуручарик» маҳалла фуқаролар йиғини идораси эшигини қоқдик. — Худудимизда асосан хунармандлар, ишчилар яшайди, — деди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мирвоҳид Мағрупов. — Истаган хонадонингизга киришингиз мумкин, сиз билан бажонидил суҳбатлашади.

Оқсоқолнинг маслаҳатига рўйя қилдик — биринчи дуч келган уй — идоранинг чап қаноти рўпарасидаги хонадонга кирдик. Бизни етмиш ёшлардаги онахон қаршлады.

— Ўғлим ўзининг мебель цехига кетган, ҳозир уйда мен билан набираларим бор, — Санталат ая Тошмухаммедова мақсадимизни айтиб, дарров ичкарига таклиф қилди.

Онахон ёшлиғида ўзи ҳам хунарманд — тикувчи бўлганим, аммо ҳозирги хунармандларнинг шароити бошқача эканини таъкидлайди.

— Бозорни, миқозларнинг истатини ўрганиб, улар ҳоҳлаган маҳсулотни ясаб беришди. Меҳнат қилиб пул топаман деган кишининг йўли очик, давлат қўллаб-қувватлайди.

Санталат ая фарзандларининг ҳалол меҳнати тўғрисида кўз-кўз қилиб мактабдади. — Мана шу сиз кўриб турган уйни янгидан тикладик, — дейди у. — Пишиқ гишдан курдик, эвара чевараларим ҳам яшайди бу уйда, худо хоҳласа. Қурилиш

материалларини айтмайсизми, замонавий, бежирим, уйнинг кўрғига кўрк қўшади.

Онахон кексайдим, деб қараб ўтирмабди, қурилишнинг бошида ўзи турибди. — Шу ховлида беш қизимни узатдим, ўғлимни уйлантирдим. Қўни-қўшни, қариндошлар билан бир ҳафта тайёргарлик кўрдик тўйга. Ўз уйингда тўй қилганга нима етсин.

Онахон ўзи маслаҳат қилиб, набираларининг тўйларида қийналиб қолмайлик деб хоналарни кенг, ховли юзини катта олдирибди.

Ана шундай — ўзбекининг пули кўпайса, уй қуради. Қўрганда ҳам фақат ўзи яшашга эмас, тўю томоша ўтказишга мослаб қуради.

ТЎКИН ЯШАШ ТАДБИРЛАРИ

Навбатдаги хонадон эшигини бошига қийқ қангир, қўлида болга ва миҳ ушлаган зиёлинома киши очди.

Тошкент кимё технологиялари институти информатика, автотомлаштириш ва бошқарув кафедраси доценти Саъдулла Файзуллаев меҳнат таътилига чиқар экан дам олиш вақти ва таътил пулини нимага сарфлаши ҳақида кўп ўйлаб ўтирмади.

Рафикаси билан чет элда дам олиш ва оила учун айна кунда жуда зарур бўлиб турган оғир хона қуриш режаларини солиштиришда тарозининг рўзгорни тўкин қилиш омили палласи оғир келди.

— Таътил ҳам, қурилиш ҳам ниҳоятга еттипти, — дейди қўлиб домла. — Тўғриси айтсам, чет элда дам олганимдан кўра яхшироқ хис этяпман ўзимни.

Мўъжазгина оғирхона деворини шлохоблоқдан кўтариш, томини ёпишига уста ёлладилар. Тахтадан жавонлар ясаш ишини долманинг ўзи бажарди.

— Уйимиз янги, яшаш хоналаримиз етарли, фақат оғирхона йўқлиги сабаб оиламиздаги рўзгор юртишнинг тежамкорлик амалларини тўла бажаролмаётгандик.

Назаримиздан савол аломатини тўйиб, домла тушунтиради: — Ёзу қиш картошка-пиёзни улгуржи бозордан қоплаб сотиб оламиз. Пишир-қуйдирни кенна-йингиз мунтазам уйда қилади, уни ҳам қопи билан харид қиламиз. Улгуржи олганнинг фойдаси кўп — махсулотнинг изи узилмайди.

— Ёзу қиш картошка-пиёзни улгуржи бозордан қоплаб сотиб оламиз. Пишир-қуйдирни кенна-йингиз мунтазам уйда қилади, уни ҳам қопи билан харид қиламиз. Улгуржи олганнинг фойдаси кўп — махсулотнинг изи узилмайди.

Оғирхоналик бўлганидан ҳаммадан ҳам Мавлуда опа хурсанд экан. Ёз бўйи келини билан банча ёпишди. Мураббо учун мева даярли ховлиларидан чиқди. Помидор ва бодрингдан турли консервалар тайёрлашди. Ана шу махсулотлар энди у ер бу ерда эмас, оғирхонадаги жавонларда батариб сақланади.

— Оилага келган даромад қанчалик юқори бўлмасин, уни ўз ўрнида, тежаб-тергаб, омилкорлик билан фойдаланмасангиз барака бўлмайди, — информатика фанининг устаси Саъдулла

Файзуллаев рўзгор юртиш илмидан ҳам бинойидек сабоқ берди. — Эракнинг қўлидан унча мунча устачилик, масалан, оддийгина миҳ қоқиш, сувоқ ва дурадгорлик қилиш келса, бекалар ҳам бозорга тайёрга югурмай, пишир-қуйдирни уйда қилишса, фаровонлигини таъминлади, деяверинг.

Дарвоқе, Файзуллаевлар хонадонда она-бола эчки боқилади. Емиши унча катта харж талаб қилмайди, набиралар учун хар кунни янги соғилган шиғобаж суг тайёр.

Ана шу тежамкорлик, омилкорликнинг натижаси улгарок, оила ҳозир иккинчи машина — «Нексия» олиш ҳаракатида.

Махмуда ая дуога қўл очди, хар кунги тилакларини такрорлайди: — Мустақиллигимиз абадий бўлсин, юртимиз тинч бўлсин, Ўртбошимиз омон бўлсин, бахтимизга кўз тегмасин...

ФАРОВОНЛИККА ИНТИЛИШ — АЙБ ЭМАС

Махсума ва Исқандар Одиловлар ўзларининг ишчилар оиласи эканидан фахрланишди, иш ҳақидан ҳам нолишмайди. Фарзандлари ҳам қаватларга кириб қолган оиланинг даромади юқори, тўкин яшайдилар. Махсума хусусий босмахонада ишлайди, Исқандар «Миконд» заводиди пардозловчи, нозик биллур идишлар унинг қўлидан ўтади. Иккаси ўғли ҳам хусусий қурилиш бригадасида ишлайди.

Махсума босмахонада цех бошлиғи вазифасида ишлайди. Олдин ҳам худди шу лавозимда ишлаган, аммо белгиланган тариф бўйича арзимоган машо олган.

— Мустақиллик тўғриси одамларда яхши яшашга интилишни ҳам рағбатлантирди, — дейди Махсума. — Ҳозир қанча яхши ишласам шунча кўп ҳақ оламан. Кўпроқ ва сифатлироқ ишлаганимдан аввало ўзим, қолаверса, қорхона эгаси манфаат кўради.

Катта ўғиллари 24 ёш, уни уйлаш ҳаракатига тушиб қолишган. Аммо ўғил ота-онасидан бироз шошмаслиқни илтимос қилапти. Олдин олий маълумотли бўлай, деяпти. Милиция Академиясида тест синовларида қатнашди.

— Бошқа фарзандларимиз ҳам олий маълумот олиш ниятида эканлигини айтдилар, — дейди хурсанд бўлиб Махсума. — Мабодо, шартнома-тўлов асосида ўқишга кирсалар ҳам ташвишимиз йўқ, ҳозир қилаётган ишларини ташлаб қўйишмайди, ўзларини ўзлари эплашади.

— Ишлайман деган одамга иш бор, ўқийман деб ҳаракат қилган илм олапти. Баъзи чет давлатлардаги нотинчликлар ҳақида эшитиб, юртимиздаги оқсоқилликдан шукр қиламан.

Ҳозир Махсума оиласининг фаровонлигини янада кўтаридиган яхши бир тадбир ҳаракатида. Ўйлаб қараса, полиграфия соҳасида ҳам қўл кучи билан бажарилган анча мунча ишлар бор. Уйда касаначилик асосида шундай юмушларни бажаришни йўлга қўйса, бир неча кўшни аёлни ҳам иш билан таъминлаши мумкин.

Мавлуда опа қаршилигимизга қарамай дарахтар соя ташлаб турган, турфа гуллар очилиб ётган, гиламдек чим тўшалган ховли четидаги столга бир зумда дастурхон ёзади. Унинг устидан хандон пистаю шоколаддан тортиб, эрта билан пиширишга улгурилган сомсагача жой олади.

Суҳбатимизнинг давоми бир пилеа чой устиди давом этади. Доцент Саъдулла Файзуллаев оиласи фаровонлигининг асосий омиллини айтди.

— Мустақиллик бизга эркин яшаш, эркин фикрлаш имконини берди. Ўз соҳангнинг, илмингнинг, хунарингнинг билимдонни бўлсанг, ана шу имкониятлардан тўлиқ баҳраманд бўла оласан. Ҳаётинг ҳам фаровон бўлади.

Суҳбатимиз охирида бахтиёр оиланинг пири бадавлат онахони

Вой, тиниб-тиничмаган одамлар, бўлган сайин бўлгиси келди, — деган гапни эшитганим бир даврада. Ушунда бу луқма кўпчилиқнинг гашига текканини сезганим.

Ахир, яхши яшашга, бойишга интилиш, агар бу ҳалол йўл билан бўлса, айб эмас-ку.

Ўртбошимиз таъкидлаганларидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиб боришини таъминлаш орқали биз мамлакатимизда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланишига ва унинг тобора мустақам бўлиб боришига эришмоқдамиз.

Барчамизга аёнки, айнан ана шу ижтимоий қатлам — яъни ўрта синф юртимизда амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштиришдан, мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланишидан энг кўп манфаатдордир.

Кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш йўлидаги давлатимиз сиёсати, хайрли амалларни таҳлил қилиб, ўрта синфнинг турмуш даражаси бугунгидан ҳам юқори бўлишини бемалол баҳорат қилиш мумкин.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Электорат манфаати

Меҳнат ярмаркаларида

ҳозиргача 234 нафар киши иш билан таъминланди, йил охиригача яна 5 минг 787 та янги иш ўрни очилади

■ Сарийосиё туман ҳокимлиги, прокуратураси, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ташаббуси билан яқинда Қишлоқ хўжалиқ касб-хунар коллежида навбатдаги бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Унда 63 та қорхона, ташкилот ва муассаса ўзларининг 1 минг 100 тага яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Меҳнат ярмаркасида қатнашган касб-хунар коллежи битирувчилари ва фуқаролардан 154 нафари ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашди.

— Денов тиббиёт коллежини тугатган эдим, — дейди Шахноза Муқимова. — Бугун ўз мутахассислигим бўйича тиббиёт бирлашмасига ишга қабул қилдим.

— Иш излаб юргандим, — деб суҳбатга қўшилиди Илхом Нуралиев. — Бугунги тадбир тўғрисида «Элдор Шералиевич» фермер хўжалиғига ишга жойлашдим...

Шу кунга қадар туманда 2 марта бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилди, йил охиригача яна 3 марта шундай тадбир ташкил этиш режалаштирилган.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Соғломлаштириш мажмуаси

■ Жиззах вилоятида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақамлаш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Жиззах шаҳрида ўтган йили ишга туширилган «Ўрда» соғломлаштириш мажмуаси юқори сифатли тиббий хизмати билан қисқа муддатда аҳоли ишончини қозонди. 40 ўринга мўлжалланган мазкур маскан замонавий тиббий жиҳозлар ва ускуналар билан таъминланган. Ультратовуш тешируви, лаборатория, физиотерапия каби бўлимлари самарали муолажа учун барча шароит яратилган.



Суратда: (ўнгдан) магнит резонансли томография оператори Жасур Мардиев шифокор Ҳамдам Сайдуллаев билан.

Умар РАҲМОНҚУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

Хориж

Ишдан бўшаш ҳақида

оммавий тарзда ариза ёздилар

Мексиканинг Чиуауа штатидаги Асенсон шаҳри полиция маҳкамасида қўрилган вазият юзага келди. Яъни маҳкам ҳодимларининг барчаси — 26 нафар полициячи оммавий тарзда ишдан бўшаш ҳақида ариза берди.

Сабаб: уюшган жиноий гуруҳлар томонидан уларнинг оилаларига ёки ўзларига қилинаётган қуроли тажовузалариди. Яқинда жиноий гуруҳ 2 нафар полиция ходимини отиб кетган. Айнан шу воқеа уларнинг оммавий ишдан бўшашига олиб келди.

Шаҳар мэри эса мамлакатнинг федерал маъмуриятдан шаҳардаги вазиятни барқарорлаштириш учун ёрдам сўради, дея хабар берди «The Daily Telegraph». Маълумки, Мексиканинг мажбур шимолий худудидида гиёҳвандлик моддаларини

АҚШга етказиб берувчи уюшган жиноий тўдалар маъжуд. Бу мафиялашган гуруҳларнинг ўзари ва ҳукумат вакиллари билан қуроли жанжаллари тез-тез содир бўлиб туради. Утган йили ҳам Мексика шимолидаги Лос-Рамонес шаҳридаги полиция маҳкамасининг 14 нафар ходими бирдан ариза ёзиб, ишдан бўшаб кетганди. Ушунда жиноий гуруҳ полиция маҳкамасига қуроли тажовуз уюштиради.

Мамлакат президенти Фелипе Кальдерон ўлкадаги уюшган ва мафиялашган нарқокартелларга қарши кураш асосий вазифалардан бири дея ҳисоблайди. Шу боис ҳам АҚШга чегарадош худудларда Мексика миллий армиясининг махсус қисмларини жойлаштириш ҳақида буйруқ берди.

Чапақайлар

ўнақайлар дунёсида қандай яшамоқда?

Турли маълумотларга кўра, бугунги кунда инсониятнинг 3 дан 10 фоизгача бўлган вакиллари чапақайлар экан. Аммо шунинг таъкидлаш лозимки, уларнинг сони ёшига нисбатан олиб қараганда турличадир. Масалан, 20 ёшгача бўлган ўсмирлар орасида чапақайлар 13 фоизни ташкил этса, 80 ёшгача бўлганлар орасида эса бу кўрсаткич атиги 1 фоизга етади. Сабаб: кўпчилик чапақайлар кейинчалик ўзларининг бу туғма одатларидан воз кечиб, ўнақайга айланиб олишаркан.



Яна шунинг айтиш жоизки, кўпгина давлатларда чапақайлар ўнақайларга мослашган дунёда яшашга мажбур. Яъни бу дунёда барча нарсалар ўнақайлар учун мосланган: йўл қоңдалари, автомобиль руллари ва бошқа бошқарув тизимлари, ёзув, эшиклар тутқичлари, метроларга кириш турникетлари, рестороанлар столларидаги сервислар жойлашуви ва бошқалар.

Аммо айрим фарб мамлакатларида чапақайлар учун ҳам бадас-

тирлик бажо келтирилган: чапақайлар учун махсус дўконлар ташкил этилган, улардан чапақайларга мос қайчилар, «чптопор» (шиша тикчинини очадиган пармасимон асбоб), «тескари» канцелярия моллари, махсус компьютер «сичконлар» ва бошқа шунга ўхшаш турли буюмларни сотиб олишлари мумкин.

Дарвоқе, 13 август кунини дунё чапақайлари ўзларининг байрами — чапақайлар кунини кенг нишонладилар.

Филлар рўйхатга олинмоқда

бу эса янги қўриқхоналар очишга замин яратади

Шри-Ланка ҳукуматининг ёввойи табиатни ҳимоя қилиш департаменти томонидан мамлакат бўйлаб филларни рўйхатга олиш тадбири ўтказилмоқда.

«Daily Mirror» газетаси хабар беришича, филларни рўйхатга олиш уларни ҳимоялаш бўйича самарали дастурлар ишлаб чиқиш ва келгусида филларнинг янги қўриқхоналарини ташкил этиш учун замин яратади.

Одатда кўра, рўйхатга олиш йилнинг энг қурғоқчил ва иссиқ мавсумида ўтказилади. Шу пайтда филлар чанқоғини босиш учун сув ҳавзаларига келади. Сув бўйларида эса яширин кузатув постлари ташкил этилган.

Мамлакатда филларни рўйхатга олиш тадбири охириги марта 1993 йили ўтказилганди. Аммо бу тадбир бутун мамлакат бўйлаб амалга оширилмаганди. Чунки мамлакатнинг

шимол ва шарқий қисми ўшанда кўзғолончилар тасарруфиди эди. Шу боис 2 мингга яқин фил рўйхатга олинганди холос.

2009 йили эса ҳукумат қўшинлари қуроли кўзғолончи гуруҳларни тор-мор этиб, бутун мамлакат бўйлаб назоратни қўлга олди. Энди филларни рўйхатга олиш тадбири мамлакатнинг барча худудларида амалга оширилмоқда.



«Ёзги таътил — 2011»

Ҳам ҳордиқ, ҳам ижод

■ Тошкент шаҳрида жойлашган «Зилола» ёзги оромгоҳида 260 ўил-қиз мароқли ҳордиқ чиқармоқда.

Ушбу сўлим дам олиш масканига асосан Тошкент давлат рақс ва хореография миллий мактаби тарбияланувчилари ҳамда «Булбулча», «Наврўз», «Юлдуз» болалар ансамбллари аъзолари жалб қилинган. Уларнинг таътил кунларини мазмунли ўтказиши ва саломатлигини тиклаши учун оромгоҳда барча шароит яратилган. Спорт майдончалари, чўмилиш ҳавзалари, ошхона, тиббий маскан ва ётоқхоналар замонавий усулда жиҳозланган.



Айни кунларда болалар дам олиш баробарида тобора яқинлашиб келаётган энг улғу, энг азиз айёмга қизгин тадорик кўрмоқда. Жойлардаги байрам тантаналарида

иштирок этиши кутилаётган бу жажжи санъат гуначалари мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигини муносиб нишонлашга ўз ҳиссаларини қўшиш ниятида.



Суратларда: «Зилола» оромгоҳи дам олувчилари. Отабек МИРСОАТОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Ўзбекистонлик универсиадачиларнинг дастлабки кумуш медалли!



Хитойнинг Шеньчэн шаҳрида бўлиб ўтаётган XXVI ёзги Бутунжаҳон универсиадада мамлакатимиз терма жамоаси дастлабки биринчи медални қўлга киритди. Вакилларимиз орасидан биринчи бўлиб, дзюдочиларимиз универсиада баҳсларига киришибди. 90 кг вазн тоифасида қат-

нашган таниқли дзюдочимиз Шерали Жўраев мамлакатимиз терма жамоасига кумуш медалини тўхфа этди. Эслатиб ўтамиз, дзюдочиларимиздан ташқари вакилларимиз оғир атлетика, бадий гимнастика ва энгил атлетика турларига ҳам универсиада медаллари учун мусобақаларга чиқишади.



«Насаф» — «Бунёдкор» — 0:0

■ Футбол бўйича мамлакатимиз 20-миллий чемпионатининг 16-тур ўйинлари ўтказилди.

«Сўғдиёна» — «Металлург» — 3:1, «Олмалик» — «Динамо» — 1:1, «Қизилқум» — «Андижон» — 2:0, «Бухоро» — «Навбахор» — 1:1, «Нефтчи» — «Машъал» — 2:1, «Пахтакор» — Шўртан — 3:1, «Насаф» — «Бунёдкор» — 0:0 (90-дақиқада «Бунёдкор» ҳужумчиси Милош Трифунович пенальтини голга айлантира олмади). Чемпионатда «Бунёдкор» 42, «Пахтакор» 36 ва «Насаф» 31 очко билан пешқадамлик қилишмоқда. Мусобақа жадвалида 13-14-ўринларни эгаллаган «Динамо» ва «Сўғдиёна» клубларида 12 тадан очко бор.

■ Мукофот жамғармаси 35 минг АҚШ доллари бўлган, челленжер туркумига кирувчи бу мусобақада ўндан зиёд давлатдан келган теннисчилар кортга чиқишди.

Самарқандда халқаро теннис байрами

Барча учрашувларни кўтаринки кайфиятда ўтказган юртимизнинг биринчи ракеткачиси Денис Истомина яққалик мусобақаларида беш совринни қўлга киритди. У финалда тунислик Малик Жазиридан устун келди — 7/6 (Жазир жароҳати туфайли мусобақани давом эттира олмади).

Навбат — ярим финаллarga

■ Колумбияда футбол бўйича ёшлар ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионатининг чорак финал учрашувлари кескин курашларга бой бўлди.

Португалия — Аргентина — 0:0 (пенальтилар бўйича — 5:4), Мексика — Колумбия — 3:1, Бразилия — Испания — 2:2 (п.б. — 4:2), Франция — Нигерия — 3:2 (қўшимча вақтда). Ярим финал. Бразилия — Мексика, Франция — Португалия. Ҳафтанинг эртага тунда бўлади.

Асрор МҲМИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳуқуқий саводхонлик

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида

Маълумки, илгарилари фуқароларнинг пенсия таъминоти масалалари билан Меҳнат ва аҳоли иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги ҳудудий бўлиmlари шуғулланар эди. Президентимизнинг «Пенсия тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига биноан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ташкил этилиб, 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб пенсиялар, иқтисодий нафақалар, компенсациялар ва бошқа тўловларни тайинлаш, молиялаштириш ва мониторингини юритиш Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлиmlари томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Шунга қўра, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга ҳамда Меҳнат кодексига бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, қонунчилигимизда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини берувчи меҳнат стажининг куий чегараси белгиланмаганди. Яъни, фуқаро бир неча кун ишлаган бўлса ҳам пенсия ёшига етганда тўлиқсиз иш стаж билан пенсия олиш ҳуқуқига эга эди. Бу эса иқтисодий адолат тамойиллари бузилишига олиб келади. Чунки, Пенсия жамғармасига узоқ муддатларда сугурта бадаллари тўлаган шахслар билан Пенсия жамғармасига жуда кам миқдорда ёки қисқа муддатларда маблағ ўтказган шахслар ҳам баб-баравар пенсия олиш ҳуқуқидан фойдаланиб келган.

Эндиликда «Фуқароларнинг давлат

пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгаришга биноан етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар умумбелгиланган нормалар сақланган ҳолда камида 5 йил стаж мавжуд бўлган тақдирда тайинланади. Талаб этилаётган муддатдаги стажга эга бўлмаган ёшда бўлиб ишлаган фуқароларнинг кексаликдаги иқтисодий ҳимояси Вазирлар Мақамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 107-сонли қарорига асосан амалга оширилади. Яъни, мазкур ҳужжатда болаликдан ногиронларга, меҳнатга лаёқатсиз кишиларга ҳамда зарур иш стажига эга бўлмаган қарияларга энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоиз миқдоридан нафақа тайинлаш белгиланган.

Мазкур Қарорга асосан нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар нафақа олиш ҳуқуқи пайдо бўлгандан сўнг бирон бир муддат билан чеклашсиз, исталган вақтда унинг тайинлашниш учун муружаат қилишлари мумкин. Ёшга доир нафақалар эркаклар 65 ёшга, аёллар 60 ёшга етганларида тайинланади.

Ҳақ тўланадиган иш бажараётган ёки бошқа даромад манбаига эга бўлган (алимент ёки стипендиялар олиш бундан мустасно) шахсларга ёшга доир нафақа тайинланмайдиган. Шунингдек, иш стажига умуман эга бўлмаган шахсларга ёшга доир нафақа меҳнатга лаёқатли вояга етмаган фарзандлари, қариндошлари ёки Оила кодексига мувофиқ уларни таъминлашга мажбур бўлган бошқа шахслар бўлмаган тақдирда тайинланади. Ногиронлик на-

фақаси ногиронлик содир бўлган ҳолларда ёшидан қатъи назар, иш стажига эга бўлмаган 1- ва 2-гuruh ногиронларга фақат меҳнат қобилияти доимий ёки узоқ муддатда йўқотилганда тайинланади ва тўланади. Ишлаётган ёки ҳаёт кечирининг бошқа манбаларига (алиментлар ёки стипендиялар олиш бундан мустасно) эга бўлган 1- ва 2-гuruh ногиронларига нафақа тайинланмайдиган.

Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ уруш ногиронлари, болаликдан ногирон фарзандларининг оналари, лилипутлар ва пақаналар имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг «умумий белгиланган ёши 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи» деб номланган 12-моддаси «э», «к», «л» бандларига мувофиқ ўқитувчилар ва таълим соҳасининг бошқа ходимлари, шифокорлар, тиббиёт мутахассислари шунингдек, 5 ва ундан ортиқ фарзанд тўққан, уларни саккиз ёшгача тарбиялаган аёллар муддатидан илгари пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга эдилар. Қонуннинг янги таҳририга қўра, мазкур тоифалар оптималлаштирилиб, муассасалар тури бўйича имтиёзлар умумтаълим мактаблари мураббийларидан иш стажига камида 25 йил бўлган ногирон болаларга ихтисослашган интернатлар, Меҳрибонлик уйлари, харбий академик лицейлар, тарбия колониялари ўқитувчиларига ўтказилди ҳамда барча турдаги тиббиёт мутахассислари

ўрнига иш шароити оғир ва зарарли бўлган саломатлик муассасалари ходимлари учун сақлаб қолинди.

Шунингдек, муддатидан олдин пенсияга чиқишда болаликдан ногирон фарзандларни тарбиялаган, камида 20 йиллик иш стажига эга оналар, башарти аёл ўғай қиз ва ўғилни улар саккиз ёшга тўлгунга қадар камида 5 йил парварিশлаган бўлса, пенсия тайинлашда улар ҳақиқий фарзандлар билан тенг равишда ҳисобга олиниши кўрсатиб ўтилган. Эслатиш жоизки, иш фаолиятдан қатъи назар, сугурта бадаллари тўлаган, камида 20 йиллик меҳнат стажига эга аёллар муддатидан бир йил олдин, яъни 54 ёшдан пенсияга чиқишлари мумкин.

Бундан ташқари, Қонуннинг янги таҳририга асосан 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб янги белгиланадиган 3-гuruh ногиронларига пенсия тайинлаш бекор қилинди. Шу билан бирга, ушбу тоифадаги ногиронларни квоталар асосида ишга жойлаштириш, уларни бепул тиббий анжомлар билан таъминлашга оид қонунчиликда мавжуд меъёrlар ўз кучини йўқотмаган.

Мазкур Қонуннинг 37-моддасида қайд этилган иш стажига қўшиб ҳисобланадиган фаолият турларидан ўрта махсус билим юртлари, кадрлар тайёрлаш, малака ошириш, яъни ихтисосни ўрганиш мактаблари ҳамда курсларда ўқиш даврлари олиб ташланди. Шунингдек, ҳомиладорлик ва туғиш таътиллариининг муддатлари қайта кўриб чиқилиб, болани парварিশлаш таътилларида бўлган вақтнинг ҳаммасини жамлаганда кўпи би-

лан 3 йил умумий стажга киритилиши белгиланди.

Пенсия қончилигида бир қатор нормативларнинг тартибга солиниши ўз навбатида Меҳнат кодексига ҳам тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши тақозо эди. Аввало ишлаётган пенсионер билан иш берувчи ўртасида тузиладиган меҳнат шартномаси хусусида тўхталсак. Зеро, «пенсия ёшига етганлар меҳнат қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлармиш», деган миш-мишлар кулоққа чалинмоқда. Албатта, бу гаплар мутлақо асоссиз. Чунки, Меҳнат кодексининг 100-моддасига янги матндаги 7-банди қўшимча киритилиб, унга қўра, эндиликда иш берувчи пенсия ёшига тўлган ходим меҳнат шартномасини ихтиёрий равишда бекор қилиш ёхуд давом эттириш ҳуқуқига эга. Модомики, ҳақбар қўл остидаги пенсия ёшига етган шахс фаолиятдан манфаатдор бўлса, у билан меҳнат шартномаси муддатини узайтириш, зарурат туғилганда бундай ишчиларни жисмоний ҳолатига мос энгилроқ вазифага ўтказиши мумкин. Қолаверса, меҳнат шартномаси штатлар сони ёхуд иш ҳажмининг қисқартирилиши, корхонанинг тугатилиши ва ходимнинг пенсия ёшига тўлиши муносабати билан бекор қилинади экан, иш берувчи бу ҳақда қўл остидаги ишчиларни камида 2 ой олдин оголантириши шарт.

Гулнора МУРАДОВА,
Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Сирали туман бўлими бошлиғи.

Бандлик

Коллеж битирувчилари иш билан таъминланди

■ Бу йил Денов туманида 6 минг 200 тадан ортиқ янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган. Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, корхоналарни модернизация қилиш, кичик корхона, микрофирмалар ташкил этиш, қасаначиликни ривожлантириш ҳисобига яратилаётган иш ўринларига асосан хотин-қизлар ва ёшлар жалб этилапти.

— Ўтган ярим йилда уч марта меҳнат ярмаркаси ўтказилди, — дейди туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Мирзоумар Хайруллаев. — Натижада 3 минг 200 нафарга яқин киши муқим иш жойига эга бўлди. Ишга жойлашганларнинг асосий қисмини коллеж битирувчилари ва хотин-қизлар ташкил этади.

Алишер Навоий номидаги Маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган навбатдаги Меҳнат ярмаркасида тумандаги 200 га яқин корхона, ташкилот ва муассаса ўзларида мавжуд бўлган бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Тадбирда 83 киши иқтисодийнинг турли тармоқларига ишга жойлашди, уларнинг 78 нафари коллеж битирувчиларидир.

— Ўқитувчи бўлишни мақсад қилганим, — дейди Дилдора Мирзаева. — Орзуларим ушалиб, бу йил Денов педагогика коллежини тугатдим. Бугунги тадбирда эса 87-ўрта мактабга йўлланим олдим. Бундан хурсандман...

— «Жамаат» маҳалласидаги қишлоқ врачлик пунктида соҳам бўйича фаолият кўрсатадиган бўлдим, — дейди Азиза ҚурбANOVA. (Ўз мухбиримиз).

ОБ-ҲАВО	16-17.08. 2011	
	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	38°C	40°C
Самарқанд	36°C	41°C
Нукус	36°C	41°C
Қарши	37°C	42°C
Урганч	36°C	41°C
Навоий	36°C	41°C
Фарғона	35°C	40°C
Бухоро	36°C	41°C
Андижон	35°C	40°C
Наманган	35°C	40°C
Термиз	37°C	42°C
Жиззах	36°C	41°C
Гулистон	36°C	41°C
Тошкент вил.	36°C	41°C
Лондон	20°C	21°C
Париж	26°C	26°C
Москва	31°C	26°C
Мадрид	36°C	37°C
Пекин	31°C	30°C
Гонгконг	33°C	33°C
Рим	29°C	30°C
Анкара	31°C	31°C
Токио	33°C	34°C
Стокгольм	19°C	20°C
Кейптаун	25°C	27°C
Қоҳира	33°C	32°C
Гавана	32°C	32°C
Вашингтон	30°C	31°C

MUASSIS:
Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Muslihidin MUHIDDINOV
Latif G'ULOMOV	Tat'yana KISTANOVA	Bobir ALIMOV
Bobir ALIMOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Ochilboy RAMATOV
Sharbat ABDULLAYEVA	G'affor HOTAMOV	Saidahmad RAHIMOV
Murodulla ABDULLAYEV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kотиbiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonа manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 846
10895
nuxxada bosildi.

t — Tijorat materiallari
Topshirish vaqti — 21.00
O'ZA yakuni — 22.00
Topshirilgan vaqti — 00.45

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:
Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2000-7633

1 2 3 4 5